

---

## **Янги Ўзбекистон армияси – мамлакат таянчи, халқимиз фахри**

Учкўприк туманида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 33 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни олдидан “Янги Ўзбекистон армияси – мамлакат таянчи, халқимиз фахри” шиори остида ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари бўлиб ўтди.

Тадбирда Қуролли Кучларимиз бугунги кунда нафақат юртимиз тинчлиги ва осойишталигининг таянчи, балки ўзбек ҳалқи ватанпарварлиги, бирлиги ва қудратининг ҳақиқий рамзига айлангани қайд этилди.

Ҳарбийлар томонидан ташкил этилган кўргазмали чиқишлиар, қурол-аслаҳалар намойиши орқали иштирокчилар Қуролли Кучларимиз ҳақида маълумотларга эга бўлишди.

Ҳарбий оркестр жамоасининг ватанпарварлик мавзусидаги куй-қўшиқлари йиғилганларга кўтаринки рух ва байрамона кайфият улашди. Шунингдек, фахрий қоровулнинг маҳорат билан намойиш этган саф юришлари тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Ҳарбий-ватанпарварлик ойлиги доирасида ўtkазилаётган бу каби тадбирлар мамлакатимизда “Ҳалқ ва армия – бир тану бир жон” деган әзгу ғояни ҳаётга татбиқ этишда, ҳалқ ва ҳарбий хизматчилар ўртасидаги бирдамликни мустаҳкамлашда, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар қалбига мардлик, Ватанга муҳаббат, ҳарбийлик касбига ҳурмат туйғуларини сингдиришда муҳим аҳамият касб этади.

2025-01-14 09:26:46